

**Ўзбек халқ мақоллари тилидаги арабий лексиканинг мавзуй
таснифи**

***Ғайбуллаева Гулмира – БухДУ 2-курс лингвистика (Ўзбек)
мутахассислиги магистранти***

Маълумки, Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Ўзбек тили бу даврда, бир томондан, босқинчиларнинг оғзаки сўзлашув тили билан, иккинчи томондан, араб ёзма адабий тили билан тўқнашди. Араб тили маҳаллий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран ўқитилди ва сингдирилди. Натижада маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тилиси билан бир қаторда араб тилида ҳам ёза ва гапира оладиган бўлди.

Араблар Ўрта Осиёга кириб келганидан кейин бу ердаги маҳаллий туркий, рун, хоразмий, суғд каби ёзувларни сиқиб чиқарди, уларнинг ўрнига араб ёзувини истеъмолга киритди. Бу эса араб тили ва ёзувининг таъсир доирасини янада кенгайтди. Араб тили туркий ва эроний тилларга катта таъсир кўрсатди. Маданий савияси жиҳатидан араблардан анча юқори бўлган ўзбек ва тожик халқининг ўша даврлардаги авлоди ўз адабиёти ва маданиятларини араб тилида яратишга мажбур бўлди.

Алишер Навоий «Муҳокамат-ул луғатайн» асаарида араб тилининг хусусиятларини қуйидагича таърифлайди:

«Бу тилларнинг барчасидан араб тили нафислик билан ажралган ва бадиийлик беаги билан мўъжиза кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлларининг даъвоси йўқ ...»

Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, VII-IX асрларда кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилида янги сўзлар сезиларли даражада

қабул қилинмаган, кейинчалик эса ўзбек тилига кирган арабча элементлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий асарлари тилида ишлатилган кўпгина арабча сўз ва сўз шакллари XIX аср ўзбек тилида, шунингдек, хозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. Араб тилининг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрдаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча ёзма манбаларда, шунингдек, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда фаоллашиб турди¹

Ўзбек халқ мақоллари тилининг луғат таркибига араб тилидан кириб ўзлашган сўзлар катта миқдорни ташкил этади. Уларни қуйидаги мавзуй гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Илм–маърифат, маданият, таълим-тарбия билан боғлиқ номлар: илм, қалам, китоб, фан, таълим, мактаб, дарс, тарбия, таҳсил муаллим, маърифат ва бошқалар. Мисоллар:

Бир синалган тажриба

Етти **китоб**дан афзал.

Қалам кучи фармон билан,

Қилич кучи дармон билан.

Мактаб - кема, илм – денгиз.

2. Диний-афсонавий тушунча ва тасаввурлар номи: шайтон, малак, руҳ, жаннат, фаришта, фарз, жин, қиёмат, ҳур, жаҳаннам, ажина, фол, иймон, мўмин, ҳаром, ибодат, куфр, ислом ва бошқалар. Мисоллар:

Шариатда шарм йўқ,

Одамда тиним йўқ.

Шошган ишга **шайтон** қўшилар.

Фолга ишонма, **фолсиз** ҳам қолма.

Қиёмат куни қўшнидан.

Гумон **иймондан** жудо қилар.

3. Жой-макон ва замон тушунчаларини англатувчи номлар: давр, дунё, тарих, аср, вақт, манзил, ариқ, маҳалла, маскан, олам, ватан, саҳар, само (осмон, фалак), фасл, қалъа, табиат, саҳро, арз (ер, замин), мағриб, машриқ, мамлакат, масжид, мадраса, субҳ (тонг пайти), даҳр (олам; дунё), наҳор (кундуз), уммон (денгиз, баҳр) ва бошқалар. Мисоллар:

Ватанни борнинг бахти бор

Мехнати борнинг - тахти.

Олим айтгани – **олам** айтгани,

Подшо айтгани - юрт айтгани.

Мамлакатнинг таянчи дин эмасдир, адолат.

Вақтинг кетди - бахтинг кетди.

4. Ой номлари: ҳамал (қўзи), савр (хўкиз, сигир), жавзо (эгизак), саратон (қисқичбақа), асад (арслон), сунбула (буғдой бошоғи), мезон (тарози), ақраб (чаён) қавс (ёй), ҳут (катта балиқ) ва бошқалар. Мисоллар:

Савр деган сонли қиш,

Мен **жавзонгдан** қўрқаман.

Саратонда сув қўй

Асадда тек қўй.

Ҳамал кирди - экинларга амал кирди.

Асад - ҳосилингни ясат.

5. Оним (антропоним, топоним) лар: Абдулҳаким, Ғарб, Шарқ, Яман, Шом (жой номи), Луқмон, Эҳром, Мажнун, Ширин, Хизр ва бошқалар. Мисоллар:

Абдулҳаким овга чиқди,

Орқасидан ғовға чиқди.

Қизил кўрса, **Хизр** йўлдан чиқар.

Лайлини кўриш учун

Мажнуннинг кўзи керак.

Насиб этса келар **Шому Ироқдин**,

Насиб йитса кетар қошу қобоқдин.

6. Хусусият ва белги ифодалайдиган сўзлар:

а) ижобий хусусият англатувчи сўзлар: азиз, мағрур, қиммат, сахий, азамат, муқаддас, ҳалол, олий, машҳур, одил ва бошқалар. Мисоллар:

Сахий топса, бўлиб ер,

Бахил топса босиб ер.

Хон **одил** бўлмаса, хонумонидан айрилар,

Бой ҳалол бўлмаса, бор молидан айрилар.

б) салбий хусусият англатувчи сўзлар: золим, қаллоб, ҳаром, аҳмоқ, ваҳший, ёввойи, ғофил, махлуқ, мунофиқ, маккор, жосус, маддох, каззоб (ёлғончи) ва бошқалар. Мисоллар:

Бир сўзнинг юзи ёриқ,

Мунофиқнинг юзи чориқ.

Бахилнинг боғи кўкармас

Кўкарса ҳам мева бермас.

Мол **ҳаром**га чиқмоқчи бўлса, эгаси сабаб.

Аҳмоқда ақл бўлмас,

Ақлли бахил бўлмас.

в) муайян ҳолат хусусиятини англатувчи сўзлар: мискин, хазин, мағрур, етим, фақир, асир, муҳтож, рақиб, хаста, мажруҳ, заиф ва бошқалар.

Мисоллар:

Амирнинг ошидан,

фақирнинг мушти яхши.

Асир бўлишдан ўлим яхши.

Етим, етим демангиз,

Етим ҳаққин емангиз.

7. Мавҳум тушунча ифодаловчи сўзлар: хаёл, ҳаёт, қадр, ҳақ (чин, рост), бало, фикр, нур (зиё), алам, зулм, жаҳл, умр, ғам, роҳат, жафо, шафқат, сабр, хизмат, лаззат, матонат, қасам, манфаат, муҳаббат, ҳасрат, хато, ҳақиқат, қалб, қувват, вафо, ишқ, меҳнат, фаҳм, одоб, мақсад, толе, эҳсон, инсоф, кайф-сафо ва бошқалар. Мисоллар:

Бир нафаслик **муҳаббат**,

Бошга келтирар **офат**.

Сабр қилсанг ғўрадан ҳолва битар.

Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.

Меҳнат қилмай роҳат топмас,

Уруғ сепмай экин ўрмас.

8. Мансаб, касб–хунар, унвон ва машғуллик тушунчаларини англатувчи сўзлар: қози, султон, жаллод, сўфи, мулла, ҳоким, даллол, ҳаким, табиб, касб, имом, котиб, ҳожи, ходим, раис, нажжор (дурадгор), олим, косиб, вазир, амир, қассоб, фоҳиша, шайх (сўфилар бошлиғи; эшон), зоҳид (дунёвий ишлардан юз қайтариб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх), арбоб (амалдорлар), қаландар (дарвеш), муфти, жаллоб (туёқли мол олиб сотувчи) ва бошқалар. Мисоллар:

Авом **табиб** – офати жон.

Имом оч қолса, бозор кезар,

Сўфи оч қолса - мозор.

Хотин – эрнинг **вазири**.

Жаллоб - турган-битгани қаллоб.

Мулланинг айтганини қил,

Қилганини қилма.

9. Қуш парранда ва ҳайвон номлари билан алоқадор сўзлар: булбул, ҳайвон, маймун, қумри (каптарлар туркумига мансуб қуш), мол (йирик шохли уй ҳайвонлари), товус, ақраб (чаён), сава ва бошқалар. Мисоллар:

Сава иши сайрамоқ.

Хўкиз иши хирмон янчмоқ.

Мўминнинг чирмандаси ёрилса,

Гардиши **маймунга** ўйинчоқ бўлар.

Гулсиз **булбул** - унсиз **булбул**.

10. Инсон-шахс тушунчаси билан алоқадор сўзлар: инсон, халқ, оила, жамият, иттифоқ, одам, авлод, қавм, халойиқ, завжа (хотин), қабила, никоҳ ва бошқалар. Мисоллар:

Халқ пуфласа, бўрон бўлур,

Уни ким тинчита олур.

Инсон шуҳрати – бойлик,

Соғлиқ - улўғ бойлик.

Одамнинг юзига боқма, сўзига боқ.

11. Инсон томонидан яратилган нарса ва ҳодисалар номи: соат, шам, бино, атир, шакар, ойна, қафас, сандиқ, қулф, иморат ва бошқалар. Мисоллар:

Сандиғи тўла сепи бўлгунча,

Юрак тўла эпи бўлсин.

Башаранг қийшиқ бўлса, **ойнадан** ўпкаланма.

Атир сувин сепган билан,

Саримсоқ хушбўй ҳид бермас.

12. Кийим-кечак ва унга алоқадор номлар: либос, атлас, мато, жубба (шайхлар киядиган тўн), мандал (рўмол), лас (юзи силлиқ газлама) ва бошқалар. Мисоллар:

Атлас ямоғи атласга муносиб,

Шол ямоғи - шолга.

Ласни қўйиб атлас дема,

Атласни лас сақлар.

13. Қимматбахо тошлар ва улар билан боғлиқ тушунчалар номи: дур, ёқут, садаф, сикка (тамға урилган кумуш ёки олтин танга) ва бошқалар. Мисоллар:

Ҳар **садаф**дан **дур** бўлмас,

Ҳар кампирдан қиз бўлмас.

Миннатли **сикка**дан беминнат чақа яхши.

14. Ўсимлик дарахт ва улар билан алоқадор тушунчалар номи: сумбул (бир турли хушбўй қора рангли ўсимлик), сумбула (бошоқ), райҳон, шажар (дарахт), хурмо ва бошқалар. Мисоллар:

Бахилнинг ерида **сумбул** кўкармас.

Сумбул тақимда,

Йигит кўзи унда.

Сумбула туғса, сув совир,

Тарози туғса, тонг совир.

15. Ўлим билан боғлиқ тушунчаларнинг номи: ажал, жаноза, лаҳат, қабр, қазо, тобут ва бошқалар. Мисоллар:

Мушукнинг **ажали** келса арслон билан ўйнашар.

Қалин бергандан кейин ўлик куёв ҳам **тобут**да ётмас.

Қазоси етса, қози ўлар.

16. Микдор ўлчов бирликлари номи: таноб (0,25 гектарга тенг ер майдони), қадам (70-80 см га тенг узунлик ўлчови), мисқол (4,8 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги) ва бошқалар:

Дард ботмонлаб келса ҳам, **мисқоллаб** чиқар.

Ўзбек халқ мақоллари тилида булардан ташқари авом (оддий саводсиз кишилар), аъмол (амаллар, ишлар), каср (зарар, зиён), китф (кифт, елка), мағфират (кечириш, ярлақаш, гуноҳидан ўтиш), мужоҳид (дин учун курашувчи), луоб (тупурик, сўлак) каби турли соҳаларга оид арабий луғавий бирликлар ҳам қўлланилган.

Умуман олганда мақоллар тилида фан, маданият, таълим-тарбия ва дин тушунчаларини ифодаловчи арабча луғавий бирликлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Ilmiy-nazariy adabiyotlar

1. Abdurahmonov X. O`zbek xalq og`zaki ijodi asarlarining sintaktik xususiyatlari bo`yicha kuzatishlar. – Toshkent: Fan, 1977.
2. Azizxonova L. “Navoiy” romanidagi frazeologizmlarning rus tiliga tarjimasini. “O`TA”. -Toshkent, 1970, 3-son, 54-57-betlar.
3. Arba'in hadis va qirq maqol. – Toshkent: Fan, 1994. -64b.
4. Asqarov S. A. Qodiriy ijodida folklarning ba'zi masalalari. “O`TA”. –Toshkent: 1973, 1-son, 19-22-betlar.
5. Berdiyev H., Rasulov R. O`zbek tilining paremiologik lug`ati. –Toshkent: O`qituvchi, 1984. -286 b.

6. Jo`raxonov A. Muqimiyning xalq maqollaridan foydalanish mahorati. "O`TA".
–Toshkent: 1974, 4-son, 52-55-betlar.

7. Zohidov Z.T. Zoologiya ensiklopediyasi (Sut emizuvchilar). T. 1960.

8. Imomov K. Maqollar. O`zbek xalq og`zaki poetik ijodi. –Toshkent: 1980, 108-115-betlar.

9. Imomov K. O`zbek xalq prozasi. –Toshkent: Fan, 1981. -104 b.